

Каттагурдон туман 2-сон КХ,И
№240064



ЮРИДИК ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

Самарқанд-2022й



Юридик истеъмолчилар учун электр энергияси таъминоти
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "27" январь 0064 сон

К-Бирсон Т
(шартнома тузилган жой)

Корадарё ТЭТ
(кейинги ўринларда)

(худудий электр тармоқлари/ёки электр таъминот корхонаси номи)
"Корхона" деб юритилади) нинг НЕЭЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи
раҳбари Назаров Миршон

бир
тарафдан ва

(худудий электр тармоқлари/ёки электр таъминот корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)
К-Бирсон Туянов 2 сон КХМ (кейинги ўринларда)

"Истеъмолчи" деб Д.Убайдуллаев
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.Ш.)
юритилади), тизимдаги шахсий ҳисоб рақами - _____
ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Корхона уланган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) етказиб бериш, Истеъмолчи эса истеъмол қилинган ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми: актив 20000 кВт.с.,
реактив _____ кВт.с.ни ташкил қилади.

2.2. Шартнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий
пархи 450 тариф(лар) бўйича 20000 сўмни ташкил қилади
тариф тури: *табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017й.даги ПК-3379 билан
тасдиқланган Рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва алоҳида хизматлар кўрсатадиган
истеъмолчилар тарифи (керакисини тагига чизилсин).*

2.3 Истеъмолчига етказиб бериладиган йиллик энергия ҳажмининг ойлик тақсироти
мазкур Шартноманинг 1-иловасида келтирилган.

2.4. Корхона етказиб берилган ва Истеъмолчи томонидан туланиши лозим бўлган
энергиянинг ҳақиқий миқдори мазкур Шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган энергияни
ҳисобга олиш приборлари (кейинги ўринларда "Ҳисоблаш приборлари" деб юритилади)
кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил
24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табiiий монополиялар субъектлари
томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия
таъминотининг йиллик минимал ҳажми 20.000 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали
тариф ёки 08.11.2017й.даги ПК-3379 билан тасдиқланган Рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб
чиқарадиган ва айрим хизматлар кўрсатадиган истеъмолчилар тарифи бўйича амалга
оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари,
фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчиларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети томонидан молиялаштирилган насос станциялари бундан
мустасно) билан ҳисоб-китоблар сутка вақтлари зоналар бўйича табақалаштирилган тарифга
асосан олиб борилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар қуйидаги вақтларда етказиб берилган
Энергия учун амалга оширилади:

ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вакти (9-00 дан 17-00 гача) – ўрнатилган тариф бўйича;
тигиз давр – эрталабки ва кечки максимумлар (ягона электр энергетика тизимининг
максимал юкламалари соатлари: эрталабки максимум – 6-00 дан 9-00 гача, кечки максимум – 17-
00 дан 22-00 гача) – ўрнатилган тарифдан 1,5 юқори коэффициент қўлланган тариф бўйича;
тунги давр – сутканинг қоронғу вакти (минимал юклама соатлари: 22-00 дан 24-00 гача
ҳамда 00-00 дан 06-00 гача) – ўрнатилган тарифдан 1,5 паст коэффициент қўлланган тариф
бўйича.

Ўрнатилган тариф II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун мулжалланган бир ставкали
тарифга мос келади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган Истеъмолчи
билан ҳисоб-китоблар бир ставкали тарифга асосан олиб борилади.

Электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби
белгиланадиган ташиқлотлар рўйхатида назарда тутилган, 750 кВА гача қувватга уланган,
маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан етказиб
берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар Ҳукумат қарори билан белгиланган тарифга
мувофиқ амалга оширилади.

3.3. Мазкур Шартномага мувофиқ етказиб берилган Энергия учун Истеъмолчи ва Корхона
ўртасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.4. Ҳар ой, ҳисоб-китоб даври якунига қўра, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади)
вакили билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини
аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан
ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва мазкур Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ
ҳисобот тайёрлайди.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи туғрисида ҳудудий электр тармоқлари
корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта
алоқаси орқали “___” гача бўлган муддатда тақдим этилган ҳисобот истеъмол қилинган электр
энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган, электр энергияси учун
табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китобни амалга оширадиган Истеъмолчи энергия
сарфланиши ҳақидаги ҳисоботда сарфланган энергиянинг (актив ва реактив) тулиқ ҳажмидан
ташқари актив энергиянинг тигиз, ўрта тигиз ва тунги даврларда сарфланганини алоҳида
кўрсатиб ўтиши лозим.

3.5. Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилётган Энергия учун янги тариф
қиритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчига электр энергиясини етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври
бошланишидан олдин шартномавий Энергия миқдори учун юз фоизлик (100%) олдиндан ҳақ
тўланганидан сўнг амалга оширилади.

3.7. Энергия сарфланиши ҳақидаги ҳисоботга асосан Корхона ўрнатилган тартибда ҳисоб-
китобларни амалга оширади, ҳисоб-фактура ва беш кун ичида тўлаш учун ҳисоб варақасини
тақдим этади.

Истеъмолчида ҳар хил тарифларга мансуб бир нечта объектлар мавжуд бўлган тақдирда,
ҳар бир тариф гуруҳи учун ўз тарифи кўрсатилган умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

3.8. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибори мазкур Шартноманинг 4-иловасига
мувофиқ электр тармоқлари баланс бўйича мансублиги чегаралари ва томонларнинг
эксплуатацион жавобгарлиги билан белгиланадиган электр тармоғининг баланс бўйича
мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори
ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи
билан биргаликда ҳисоблаш орқали аниқланади ва мазкур Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ
далолатномада кўрсатилади.

Бунда уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган, электр энергияси учун
табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китобни амалга оширадиган Истеъмолчи учун

энергия технологик сарфлангани миқдори тинч. ўрта тинч ва тунги даврларда алоҳида аниқланади. сутканинг муайян даврида сарфланган энергия гулов ҳисобига киритиш учун жамланади.

3.9. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан мазкур Шартномада белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, Корхона томонидан электр энергияси истеъмолининг шартномавий миқдори буйича ёки ўтган ҳисоб-китоб даври учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб тақдим этилиши мумкин, бу ҳақда Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида маълумот қайд этилади.

Ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари назорат тартибда Бюро томонидан ёзиб олингандан кейин Корхона томонидан белгиланган тартибда амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

3.10. Истеъмолчининг электр энергияси хақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня буйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчининг айби билан электр таъминоти шартномасида кўрсатилган электр энергияси ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилганидан 5 фойдан ортиқ миқдорда электр энергияси истеъмол қилинганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг бир ярим баравари миқдоридан тўлов ундирилади.

3.12. Корхона ва Истеъмолчи ҳар ой ҳисоб-китоб даври тугаганидан сўнг беш кун ичида ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасини тузади.

3.13. Корхона куйидаги ҳолларда Истеъмолчига Энергия етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатишни мумкин:

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида олиб борилмаганлиги натижасида истеъмол қилинган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлса;

Бюро ёзма кўрсатмаларини бажармаслик, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисоблағичлар кўрсаткичларини ёзиб олиш учун имкон бермаслик;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборларига қасддан шикаст етказилганда, амалда истеъмол қилинган электр энергияси кўрсаткичларини қамайтириш мақсадида уларга ташқи таъсир кўрсатилганда;

электр тармоқларига ноқонуний улаиш, талон тароҳ қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қондалари бузилишининг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузи аниқ учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Электр тармоқларидан аввал узиб қўйилган Истеъмолчини қайта улаш Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ва қарздорлик бартараф этилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан тўлов қилингандан сўнг амалга оширилади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилардан ташқари).

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

узининг электр қурилмаларини техник шарҳларга мувофиқ Корхона электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши турли ва белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш буйича тақлиф мўлжа шанаётган ўзгартирилишдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак;

электр энергияси тулик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

қонун ҳужжатлари ва мувофиқ бир тарафлама тартибда Шартномани бекор қилиш;

электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки буйсунми буйича юқори ташкилотга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимга риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда Бюро ва/ёки Корхона вақилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамда бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга электр энегия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар қилиши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган мажбуриятларни тегилини даражада бажариллишини талаб этиш;

Истеъмолчи томонидан Шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки бузиллиши оқибатида унга етказилган ҳақиқий зарарни белгиланган тартибда қоплашни талаб қилиш.

авария режимида Бюрони хабардор қилган ҳолда истеъмолчини электр тармоқларидан узиш;

Бюро кўрсатмаси бўйича истеъмолчини электр тармоқларидан, шунингдек, ЭХНАТга уланган ва олдиндан туланган маблаг тугагандан сўнг электр энергияси учун олдиндан туловни амалга ошириш қурилмасига эга ҳисобга олиш асбоб мавжуд бўлган Истеъмолчини тармоқдан узиш.

Корхона амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Корхона ёки Бюро мазкур Қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар.

4.4. Корхонанинг мажбуриятлари:

Истеъмолчига электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш ҳисобига Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуksиз етказиб бериш;

ускуналарни, электр узатиш линияларини, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва ускуналарни таъмирлаш, шунингдек, Уз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида носозликларни бартараф этиш;

электр тармоғи ҳўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган зулишлар туғрисида қамқда уч кун олдин огоҳлантириш;

Истеъмолчига электр энергияси етказиб беришнинг дўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари туғрисида хабардор қилиш;

жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чекланшларнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тулик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотида бошқа қоида бузилишлар туғрисидаги аризаларини, Истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, ушбу қоида бузилишларини бартараф этиш ва унга батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бориш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини қупайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда — бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, Истеъмолчига хабар қилиш;

Истеъмолчига ўрнатилган электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш асбобларини алмаштириш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатишни таъминлаш, шунингдек Бюро билан биргаликда уларни пломбалаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларида белгиланган даражада бўлган электр энергияси етказиб бериш.

Корхона қонунчилиқда белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган ёки зарур тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона қуйидаги ҳолатларда Истеъмолчи олдида моддий жавобгар эмас:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимида ривож қилмаган, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жалвалани бажармаган кунларда сифати паст электр энергияси етказиб берилганда;

заҳира манбани автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликни ўқириншларнинг ишлаш вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар ҳосил бўлганда.

5.3 Корхона қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фанкулодла ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ёки Бюронинг ёзма кўрсатмасига асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узиб қўйилганда истеъмолчи олдида жавобгар эмас.

5.4. Мазкур Шартнома бажарилиши жарёнида пайдо бўладиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокара йули билан ҳал этилади. Низолар музокара йули орқали ўз ечимини топмаган ҳолларда, улар суд тартибида ҳал этилади.

5.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳал этилади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1 Шартнома 300 муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда амал қилинмайди, улар келгуси ойдан қонуний кучга қиради.

Шартнома муддати тугагандан сўнг, ҳар иккала Тарафнинг бирортаси унинг узайтирилиши ёки бекор қилиниши ҳақида ариза бермаса, у келгуси ҳар бир йил учун узайтирилган деб ҳисобланади. Ариза Шартнома амал қилиш муддатининг охириги ойда берилиши керак.

6.2. Мазкур Шартнома тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилади ва ҳар иккала Тарафда сақланади. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш Тарафларнинг бири ташаббусига кўра иккинчи Тарафни ўттиз кун олдин хабардор қилиш орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши шарт билан амалга оширилади. Бекор қилиш тўғрисидаги хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда киритилганда ва ҳар иккала Тарафнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 29.08.1998 йилдаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, 30.09.2009 йилдаги “Электр энергетика тўғрисида”ги Қонунилари, Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи: К-сирдан тузилган 2сон КХМ
Юридик манзили: Ташкент шаҳри Кўч Тарақ
Почта манзили: 3544
Ҳисоб рақами: 100010860182157092901079001
Банк коди (МФО): 00275 СТИР (ИНН) 200748653
Истеъмолчининг юридик манзили бўйича қастра рақами _____
Маҳалла номи: Сарошон

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилувчи Истеъмолчи учун

Бюджет жамғарманининг ҳисоб рақами: 23402000300100001010
Банк коди (МФО): 00014 СТИР (ИНН) 201122919
Бюджет жамғарманининг ҳисоб рақами _____
Банк коди (МФО) _____ СТИР (ИНН) _____
Телефон: _____ Факс: _____

Статистик кодлар:

(ОКЭД) _____

ДБИБТ (СООГУ) _____

МБИОТ (СОАТО) _____

МШТ (КФС) _____

ТХШТ (КОНФ) _____

КТУТ (ОКПО) _____

Корхона:

Қорағари 2-ми

Почта манзили:

22636000 Қозып 701388

Ҳисоб рақами:

20063820 СТИР (ИНН) 00312

Банк коди (МФО)

Телефон:

Факс:

Узбекистон Республикаси

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ) _____

МИБОТ (СОАТО) _____

Корхона Вақили

Истеъмолчи



(Сана, Ф.И.Ш., имзо)

(Сана, Ф.И.Ш., имзо)

Хусусий ҳуҷаси:

Хусусий ҳуҷаси: [Signature]

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Етказиб берилдиган энергия
МИҚДОРИ

1. Тариф гуруҳи: Табакалаштирилган
2. Фаолият тури: Жасб тайёрловчи тури
3. Истеъмолчининг электр қурилмаларини уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шаротларга мувофиқ ружсат этилган қуввати: _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги буйича тоифаси (лойиха буйича): _____
6. Ҳисоб-китоб тури: Ҳудуд бўлимига асосан

Тариф тури: табакалаштирилган тариф, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017й.даги ИК-3379 билан тасдиқланган Рўйхат буйича маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва алоҳида хизматлар кўрсатадиган истеъмолчилар тарифи (керакисининг таъғига чизилсин)

	Энергия миқдори, минг кВт.с.	Жумладан, тариф гуруҳлари буйича			
		I			
Йил, жами	20000	400000			
Январь	6666	2999700			
Февраль	6667	3000150			
Март	6667	3000150			
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Корхона кунига _____ с/сат, ойига _____ кун ишлагани

Навбат (смена) буйича тоқламадаги муносиблигини % да 1 _____

III _____

Корхона вақтиги _____

Истеъмолчи _____

(Сана: 01.11.2018)

(Сана: 01.11.2018)

Энергия хисоблагичлари ўририлган жойлари ва тавсифлари


Истеъмолчи (субистеъмол-чи)нинг хисобга олиш приборларини ўрилатиш жойлар, тури ва кучланиш синфи (кВ) кўрсатган ҳола	Хисобга олиш прибор- нинг тури (актив, реактив), (номинал ток)	Хисобга олиш прибор- нинг тартиб рақами	Хисобга олиш прибордаги клемма копкоғининг тамга рақами		Ўлчов трансформа- торларининг ўзгариш коэффици- ентлари		Хисоблаш коэффици- енти	Шартно- мани тузиш вақтида хисобга олиш прибор- ларининг кўрсатки- члари	Тариф тури 1кВт.с/сў м
			Корхона	Бюро	Ток	Кучла- ниш			
иссет 0,4 квт	KAIFA MA 310								

Имзо:

Истеъмолчи:

 2 СОН К 8 М
 И.У. Имзо

Корхона:


 (М.У. Имзо)

Энергия (актив, реактив) сарфланиши
ҲИСОБОТИ

20__ йилнинг __ ойи учун

Курсаткичлар олинган сана " __ " __ 20__ г.

Хисоблагичнинг русуми (актив, реактив), завод рақами,	Хисоблаш коэффициенти			Электр хисоблагич курсаткич- лари		Электр хисоб- лагич курсат- кичлари -нинг фарқи	Сарф кВт.с, кВАр. с	Табақалаштирилган хисоблаш учун сарф, кВт.с.				
	Ток трансф- ормаго- ри- нинг (ТТ)	Кучла- ниш транс- фор- матори нинг (КТ)	Уму- мий коэф- фици- ент	Бош- лан- гич	Охи- ри			Ти- гиз тонг	Кун- дузи	Ти- гиз кеч	Туи	
											6-9 соат	9-17 соат
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
KAIFA												
MA310												
NO2419												
8028051												
Жами												

Изоҳ: $z.7 = z.6 - z.5$, табақалаштирилган ҳисоблаш учун назорат рақами
 $z.10 + z.11 + z.12 + z.13, z.8 = z.7 * z.4$.



Корхона вакили

Ғ. Муҳаммадов
Ф.И.Ш.

Ф.И.Ш.

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича
масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМА СИ

! Истеъмолчининг балансидики куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____

2 "Истеъмолчи" ва "Корхона" ўртасидаги ажратиш чегараси электр қурилмаларининг баланс мансублиги бўйича аниқланади: _____

3. Улардан:

а) Куйидагиларга «Истеъмолчи» томонидан хизмат курсатилади _____

б) Куйидагиларга Электр таъминоти корхонаси томонидан истеъмолчи билан шартнома бўйича хизмат курсатилади _____

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат курсатиш учун жавобгарлик чегаралари куйидагича белгиланади: _____



Корхона томонидан _____

Вакиллар:

(ИМЗО)

(ИМЗО)



Энергия исрофларини аниқлаш бўйича
ДАТОЛАТНОМА

Энергияни ҳисобга олиш приборлари тармоқларнинг бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган бўлса, энергия исрофлари ҳисоб - китоб йўли билан тармоқларнинг баланс мансубли шун ҳисобга олган ҳолда аниқланади. бу:

а) _____ кВА қувватли трансформаторларда актив энергиянинг ҳар ойдаги исрофлари _____ кВт.соат ёки _____ фоизни, реактив энергиянинг исрофлари _____ кВАр.соат ёки _____ фоизни ташкил қилади;

б) Истеъмолчининг кабел линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ, _____ кВт.соат ёки _____ фоизни ташкил қилади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ, _____ кВт.соатни ёки _____ фоизни ташкил қилади;

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб лавридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Корхона электр тармоқлари ажратилиш чегарасида и ташқаридаги электр тармоқларида ва уй ичидаги электр тармоқларидан истеъмолчилар электр ماشиний приборларига чача булган элетктр тармоқларидаги йўқотишлар ҳисоблан йули билан аниқланади ва хусусий уй - жой эгаларининг ёки коммунал-эксплуатацион танкилотларининг истеъмолига киритилади.

Имзо:



Компенсация қурилмаларининг ишлаш
РЕЖИМИ

1. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати

Т/р	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланш вақти		ЖАМИ
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлоар, кВАр 1000 В гача, 1000 В дан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик ростлаш билан: 1000 В гача, 1000 В дан юкори.				
1.2.	Дастаки ростлаш билан: 1000 В гача, 1000 В дан юкори.				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати (СД ўрнатилган қувватининг 30%, кВт)				
4.	Жами (п.1+п.3) кВАр: 1000 В гача, 1000 В дан юкори.				

2. Реактив энергиянинг иктисодий аҳамияти

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий киймати (кВАр.соат)	Жумладан		Жумладан, тариф гуруҳлари бўйича:	Қувват коэффициенти ифодаси	
		Катта юкламалар вақтида соат 6-00 дан 22-00 гача (кВАр.с.)	Кичик юкламалар вақтида соат 22-00 дан 6-00 гача (кВАр.с.)		Катта юкламалар вақтида соат 6-00 дан 22-00 гача (кВАр.с.)	Кичик юкламалар вақтида соат 22-00 дан 6-00 гача (кВАр.с.)
Январь						
Февраль						
Март						
Апрель						
Май						
Июнь						
Июль						
Август						
Сентябрь						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иктисодий киймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг мазкур Шартномада белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун куйидаги миқдорда аниқланади:

5% — реактив энергия аниқланган иктисодий қийматнинг амалдаги миқдори доирисида истеъмол қилинганда;

10% — реактив энергия аниқланган иктисодий қийматнинг амалдаги миқдоридан ортиқ истеъмол қилинганда.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига усгамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва Шартномага асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича қопланмагани хисобига қувват коэффициенти қийматининг Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилганига нисбатан пасайтирилгани аниқланганда, Корхона электр энергияси йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китобларини амалга оширади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилгани учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундиради.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағларни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги туғрисида «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг тасдиқлови мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари Истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида ягона энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.





Авария ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди _____

Истеъмолчининг вакили катнашувида _____

Энергетика тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги содир бўлганида Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкласини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			

Жами: _____ кВт.

* а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан узилади. Узилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, усқунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланиши ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар киради (2-бандга қ.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

_____ утганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узилади.

№ т/р	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			

Жами: _____ кВт

* а) Юклама остида узилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қуриклаш еритуви қолади.

б) авария бронига за ҳира ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас (ушбу агрегатлар, керак бўлганда қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин)

Имзо: _____



Истеъмолчи:

